

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

САЙИТОВ САРДОР САВРИДДИНОВИЧ

**БУҚАНТОҒ ВА ОВМИНЗАТОҒДАГИ ТАРКИБИДА УГЛЕРОД
БЎЛГАН ҚАТЛАМЛАРНИНГ ОЛТИН ВА У БИЛАН БИРГА
УЧРОВЧИ МАЪДАНЛАШУВГА ИСТИҚБОЛИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сайитов Сардор Савриддинович Букантоғ ва Овминзатоғдаги таркибида углерод бўлган қатламларнинг олтин ва у билан бирга учровчи маъданлашувга истикболи.....	3
Сайитов Сардор Савриддинович Перспективы золотого и сопутствующего оруденения в углеродсодержащих толщах гор Букантау и Ауминзатау.....	23
Sayitov Sardor Savriddinovich Prospects of gold and accompanying mineralization in the carbon-containing strata of the Bukantau and Auminzatau mauntains.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

САЙИТОВ САРДОР САВРИДДИНОВИЧ

**БУҚАНТОҒ ВА ОВМИНЗАТОҒДАГИ ТАРКИБИДА УГЛЕРОД
БЎЛГАН ҚАТЛАМЛАРНИНГ ОЛТИН ВА У БИЛАН БИРГА
УЧРОВЧИ МАЪДАНЛАШУВГА ИСТИҚБОЛИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/GM72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Цой Владимир Деньевич

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исаходжаев Бахтиёр Абдукаримович

геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Колоскова Светлана Максимовна

геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Уранкамёбметгеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11а-уй. Тел: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11а-уй. Тел: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Пирназаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р. Мингбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

М.С. Карабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон геология-кидирув ишлари амалиётида йирик стратегик олтин конларини ўзида жойлаштирган таркибида углерод бўлган қатламлар муҳим аҳамият касб этади. Табиатан сорбентлик хусусиятига эга мазкур қатламларда асл металллардан ташқари нодир, камёб ер элементлари, радиоактив ва бошқа элементларнинг миқдори ҳам юқори бўлиб, мазкур қатламлар фойдали компонентларнинг комплекс манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳозирги кунда инновацион технологиялар, маъданларни бойитишнинг замонавий усуллари асосий фойдали компонентлар билан бир қаторда, бирга учровчи элементларни ҳам ажратиб олиш ва фойдали қазилмалардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида фойдали қазилмаларнинг комплекс конларини топишга йўналтирилган кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, таркибида углерод бўлган қатламларнинг комплекс маъданлашувга истиқболлини баҳолаш, асосий ва бирга учровчи элементларнинг тарқалиш хусусиятлари, учраш шакллари тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий тадқиқот ва юқори аниқликка эга таҳлилий усуллардан фойдаланиб олиб борилган минералогик-геокимёвий тадқиқотлар мазкур қатламлардаги асосий ва бирга учровчи маъданлашув истиқболлини илмий асослашга имконият яратади.

Мамлакатимизда минерал-хомашё базасини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида таркибида углерод бўлган қатламларда жойлашган янги олтин конлари топилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»¹ вазибалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, таркибида углерод бўлган қатламларда комплекс маъданлашувни аниқлашга қаратилган минералогик-геокимёвий тадқиқотларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қарини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини кенгайтириш ва қайта тиклаш Давлат дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Углеродли қатламларнинг геологик ҳолати, шаклланиш шароитлари, моддий таркиби ва маъдандорлиги республикамиз ва дунёнинг етакчи илмий марказлари олимлари томонидан ўрганилган, жумладан: В.Г. Гарьковец, Я.Б. Айсанов, И.М. Голованов, Л.А. Быков, Я.Э. Юдович, М.П. Кетрис, Ю.С. Савчук, Х.К. Каримов, Н.В. Котов, Ю.Н. Зверов, А.А. Маракушев, А.А. Сидоров, И.Н. Томсон, А.И. Ханчук, В.И. Силаев, З.М. Абдуазимова, Р.Х. Миркамалов, В.Д. Цой, Ю.Б. Ежков, Р.И. Конеев, М.М. Пирназаров, В.И. Сначев, М.С. Рафаилович, В.И. Вялов, С.Г. Коволев, В.Ф. Проценко, R.M. Coveney, J. Pasava, A. Lillie ва бошқалар. Мазкур тадқиқотлар натижасида углеродли қатламларда маъданли конларнинг шаклланиш қонуниятлари ишлаб чиқилган.

Эришилган илмий натижаларга қарамасдан, бугунги кунгача углеродли қатламларда асосий ва йўлдош элементларнинг учраш шакллари, тарқалиш хусусиятлари ва шаклланиш хусусиятлари ҳали ечими топмаган саволлар мавжуд. Геологик, минералогик-петрографик, петрохимёвий, геохимёвий ва юқори аниқликка эга кимёвий-тахлилий усуллар мажмуасини қўллаш мазкур саволларни ечишга имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Минерал ресурслар институти» ДКнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 1047 «ГҚИнинг кейинги йўналишларини белгилаш учун Ўзбекистоннинг углеродли (қора сланецли, битумли) қатламларни комплекс минералогик-геохимёвий ўрганиш ва баҳолаш, 1 босқич» (2013-2015 йй.), 1171 «Ўзбекистоннинг таркибида углерод бўлган ва вулканоген-терриген қатламларида қимматбаҳо металлар, тарқоқ ва камёб ер металларига истиқболли майдонларни комплекс ўрганиш ва баҳолаш, 2 босқич» (2016-2019 йй.), 1153 «Жолдас маъдан намоёни маъданларининг ва метасоматитларининг минералогик-геохимёвий хусусиятлари» (2015-2018 йй), 917 «Овминзатоғ тоғлари маъданлари ва метасоматитларининг минералогик-геохимёвий хусусиятларини ўрганиш» (2011-2017 йй.) каби амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Букантоғ ва Овминзатоғ тоғларидаги (Марказий Қизилқум) таркибида углерод бўлган қатламларнинг олтин ва бирга келувчи маъданлашувга истиқболлини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Букантоғ ва Овминзатоғ тоғлари таркибида углерод бўлган свиталарнинг моддий таркиби бўйича чоп этилган ва фонд маълумотларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

таркибида углерод бўлган свиталарнинг геохимёвий хусусиятларини ўрганиш, олтин ва бирга учровчи маъданлашувга истиқболлини баҳолаш, жумаладан, асосий ва бирга келувчи компонентларни, уларнинг тарқалиш хусусияларини аниқлаш;

таркибида углерод бўлган тоғ жинсларининг минералогик-петрографик ва петрохимёвий хусусиятларини ўрганиш;

комплекс маъданлашувга истиқболли майдонлар маъданларининг минерал таркибини ва маъдан ҳосил қилувчи элементларнинг учраш шакллари аниқлаш;

кўмирли маҳсулотларни (КМ) табиатини ва таркибида углерод бўлган катламларнинг ҳосил бўлишининг геодинамик шароитларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Букантоғ ва Овминзатоғнинг таркибида углерод бўлган свиталари билан боғлиқ олтин маъданли конлар ва маъдан намоёнлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети таркибида углерод бўлган тоғ жинслар, уларнинг кимёвий, минералогик таркиби, кўмирли маҳсулот, асосий ва бирга келувчи элементлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар давомида дала геологик кузатиш ишлари (намуналар олиш билан биргаликда), минералогик-петрографик, геохимёвий ва кимёвий-тахлилий усуллар мажмуасидан фойдаланилди, жумладан: қайтган ва ўтган нурда оптик микроскопия, электрон микроскопия, рентген-структуравий фазовий таҳлил, рентген спектрал локал таҳлил (микрозонд), кимёвий, спектрал, ИСП-масспектрометрик таҳлиллар. Шунингдек, термик, рентгенофлюоресцент, изотоп ва рамановский спектроскопияси чоп этилган маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таркибида углерод бўлган катламларда олтин ва бирга келувчи маъданлашувнинг минералогик-геохимёвий (асосий ва бирга учровчи элементларнинг ўзаро муносабатлари, тарқалиш хусусиятлари, учраш шакллари) хусусиятлари замонавий таҳлил усуллари орқали аниқланган;

Айтим кони ва Жолдас маъдан намоёнининг олтин ва бирга учровчи уран-ванадий-молибден-ренийли маъданлашувга истиқболлари асосланган;

таркибида углерод бўлган свиталар ва Марказий Қизилқумнинг эталлон конларининг (Мурунтау, Даугизтау) маъдан қамровчи катламлари тоғ жинсларининг петрохимёвий кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар аниқланган;

петрохимёвий хусусиятлари ва минералогик-генетик қайта қуриш асосида Букантоғ ва Овминзатоғдаги таркибида углерод бўлган тоғ жинсларининг шаклланиш шароитлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Букантоғ ва Овминзатоғ тоғлари таркибида углерод бўлган тоғ жинслари муфассал минералогик-петрографик тавсифланган ва улар билан боғлиқ маъданлашув хусусиятлари ўрнатилган;

уран-ванадий-молибден-ренийга истиқболли майдонлар ажратилган;

углеродли тоғ жинсларидаги асосий ва бирга келувчи элементларнинг учраш шакллари аниқланган;

олинган тадқиқот натижаларни амалиётга жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги Ўздавстандартнинг текширувидан ўтган лабораториялардан олинган таҳлил маълумотларига асосланади. Бундан ташқари, таҳлил натижалари бир неча усуллар (спектрал ярим миқдорий, ИСП-масспектрометрик, атом-абсорбцион, пробир, кимёвий, рентген структуравий фазовий ва б.) билан ва қисман РФ ФА УрБ ИМ Коми Геология институти, Санкт-петербург Давлат университети ва Бутун Россия геология илмий текшириш институтида замонавий таҳлил усуллари ёрдамида қайта текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти таркибида углерод бўлган қатламларнинг аниқланган кимёвий, минералогик таркиби, петрокимёвий хусусиятлари, улардаги асосий ва қўшимча элементларнинг тарқалиш хусусиятлари ва учраш шакллари геологик қидириш ишларини ўтказишда, углеродли қатламларни шаклланиш шароитларини қайта қуришда этолон сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти Айтим ва Жолдас майдонларида маъданларнинг комплекслиги аниқланган бўлиб, бу уларнинг аҳамиятини оширади ва U-V-Mo-Re маъданлашувга геологик қидириш ишларини қўйишга тавсия қилинишида намоён бўлади. Шунингдек, минералогик-геокимёвий тадқиқотлар натижалари фойдали қазилмаларни бойитишнинг ва ажратиб олишнинг технологик схемаларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Букантоғ ва Овминзатоғ тоғларидаги таркибида углерод бўлган қатламларнинг олтин ва у билан бирга учровчи маъданлашувга истиқболлини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

олтин билан бирга учровчи U-V-Mo-Re маъданлашувга истиқболли майдонлар «Уранкамёбметгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 02/14-сон маълумотномаси). Натижада Жолдас ва Айтим майдонларида геологик қидириш ишларини режалаштириш имконини берган;

маъдан турлари, уларнинг минералогик-геокимёвий хусусиятлари, асосий, бирга учровчи компонентлар ва уларнинг учраш шакллари «Қизилқумгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 02/14-сон маълумотномаси). Натижада Жолдас маъдан намоёнида маъданларнинг моддий таркибини, олтинга маҳсулдор минерал ассоциацияларни, асосий ва бирга келувчи элементларни аниқлаш имконини берган;

Жолдас маъдан намоёнининг гипоген маъдан ҳосил бўлиш схемаси «Қизилқумгеология» ДУКда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 02/14-сон маълумотномаси). Натижада маъданлашувнинг емирилиш кесими даражасини ва объектнинг чуқурликдаги истиқболлини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил қилиб, 52 расм ва 19 жадвални ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асослаб берилади, мақсад ва вазифалари келтирилади, объектлар ва предмети тавсифланади, ишнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, олинган натижаларни илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши бўйича маълумотлар ва диссертациянинг тузулиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Букантоғ ва Овминзатоғ тоғларининг қисқача геологик тавсифи**» бобида ҳудуднинг геологик тузулиши, Ўзбекистон ва жаҳонда таркибида углерод бўлган (қора сланецли) қатламларни ўрганишда олдин ўтказилган геологик, минералогик-геокимёвий тадқиқотлар ва уларнинг маъдандорлигини баҳолаш ишлари таҳлили келтирилган.

Букантоғ ва Овминзатоғ тоғлари Марказий Қизилқумда жойлашган бўлиб, икки қаватли тузулишга эга. Юқори структуравий қаватнинг тузулишида мезазой-кайназой ҳосилалари иштирок этади. Қуйи структуравий қаватнинг геологик тузулишида томезазой ётқизиклари иштирок этиб, асосан, икки асосий тоғ жинслари турига ажратилади: PR-C₂ ёшидаги чўкинди-метаморфик терриген, метавулканоген, кремнийли ва карбонатли тоғ жинслари ва C₂-P ёшидаги интрузив ҳосилалар. Субкентлик, ғарбий-шимолий-ғарбий, шимолий-ғарбий йўналишдаги бир мунча эрта тектоник бузилишлар ва шимолий-шарқий ва шимолий-шимолий-ғарбий йўналишдаги кечки тектоник бузулишларнинг кўплиги, блок ҳосил қилувчи тектоник бузулишларнинг, бурмали, сурилмали ва узилмали структураларнинг мавжудлиги тектоник тузулишини тавсифлайди.

Букантоғ ва Овминзатоғ тоғларининг статиграфик ҳосилалари Я.Б. Айсанов, З.М. Абдуазимова, С.Н. Шафранский, Ю.Н. Зверев ва бошқалар томонидан ўрганилган ва тизимлаштирилган.

Букантоғда кокпатас (R₂₋₃), ходжаахмет (V- E₁ hh), коксой (O₁₋₂ ks) ва кериз (C₂m₂ kr z) свиталари углерод сиғдирувчи ҳисобланади. Овминзатоғ

тоғларида эса тасказган (R_3) ва кургантов ($V-E_1$?) свиталари таркибида углеродли тоғ жинслари қайд этилади (З.М. Абдуазимова, 2012).

Диссертациянинг «**Углеродли свиталарнинг геологик, минералогик-петрографик тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида юқорида келтирилган свиталарнинг ўрганилган объектлардаги ва умумий геологик, минералогик-петрографик хусусиятлари ёритилади.

Кўкпатас свитаси Олтинтоғ гранитоид интрузивининг канотларида жойлашган Сарапан ва Ўрталик участкаларида, Кўкпатас маъдан майдонида ўрганилган. Ходжаахмет ва коксай свиталари таркибида углерод бўлган тоғ жинслари Айтим участкасида, кериз свитаси углеродли ётқизиклари Окжептес кони ҳудудида ўрганилди. Песчаное, Песчаное 2, Жолдас, 1 Сентябрь участкаларида тасказган свитаси, кургантау свитаси таркибида углерод бўлган тоғ жинслари эса Желтый тюльпан участкасида ўрганилди.

Букантоғ ва Овминзатоғ тоғлари углеродли свиталари таркибидаги асосий тоғ жинси турлари ажратилди, уларнинг минералогик ва кимёвий таркиблари аниқланди.

Ўрганилган углеродли тоғ жинслари силикатли, алюмосиликатли таркибга эга бўлиб, деярли барча ўрганилган тоғ жинсларида органиген КМ ҳисобига қиздиришдаги йўқатишнинг (ППП) юқори қийматлари қайд этилди.

Кокпатас свитаси таркибида графитли кварцитлар, микрокварцитлар, графит-слюдали, кварц-графитли сланецлар таркибида углерод бўлган тоғ жинслари ҳисобланади. Минерал ва кимёвий таркиби бўйича мазкур тоғ жинслари жуда ўхшашлиги уларнинг генетик жиҳатдан бир хиллигини кўрсатиши мумкин. Улар орасидаги фарқ, асосан, структуравий-текстуравий ва асосий жинс ҳосил қилувчи минераллар миқдорида.

Ходжаахмет свитаси таркибида графит-слюда-кварц-альбитли, слюда-графит-кварцли сланецлар ва улар билан алмашинувчи метақумтошлар, метаалевролитлар, графитли кварцитлар ажратилди.

Метаалевролитлар тўқ кулранг, кулранг, қатламларининг қалинлиги 2 м гача. Тоғ жинси тукстураси сланецсимон, плитасимон, дала-шпати-кварцли ва кўмирли-слюдали қатламчаларнинг кетма-кет ётиши сабабли ноаниқ йўл-йўл. Структураси гранобластли, алевролитли чақик структура реликтлари билан.

Графитлашган кўмирли-серицитли-дала шпати-кварцли сланецлар кўпроқ лепидогранобластли структура ва юпқа плитасимон текстура билан хусусиятланади. Шунингдек, кварц-дала шпатили ва графит-слюдали қатламчаларнинг алмашилиши кузатилади. Бурдаланиш зоналарида сланецлар кучли брекчияланган, графитлашган. КМ метасоматик ўзгаришда графитга айланган. Графитда ўлчами <0,5-10 мкм бўлган пирит, марказит кўшимчалари учрайди. КМ умумий миқдорининг ошиши углеродли метасоматознинг мавжудлигидан дарак беради. $S_{\text{графит}}$ миқдори кўмирлашган тоғ жинсларида 22 намуна бўйича ўртача 23,01%ни ташкил қилди.

Метақумтошлар, метаалевроқумтошлар аста-секин металевролитларга ўтади ва асосан, кесимнинг юқори қисмларида тарқалган. Макроскопик жиҳатдан юпқа плитасимон, баъзан дағал қатламлашган, деформация элементлари қайд этилади.

Тасказган свитаси таркибида ўрганилган объектларда кўмирли-кварцли сланецлар, углеродли кварцитлар, фтанитлар, кўмирли-серицит-кварцли алевросланецлар ва бошқалар таркибида углерод бўлган тоғ жинслари ҳисобланади. Тоғ жинслари силикат таркибли (SiO_2 96,5% гача). Серицитлашган турларида Al_2O_3 нинг миқдори 13,6% гача етади. Фтанитлар, кварцитлар, сланец ва алевросланецларнинг минерал таркиби, асосан, кварцдан ташкил топган, кам миқдорда серицит, КМ, графит қайд этилади.

Фтанитлар деярли қора, массив, мустаҳкам ва йўл-йўл тузулиш ва чиганоқсимон синиш юзаси эга. Структураси криптокристалли. Асосан кварцдан таркиб топган бўлиб, майда донадор КМ, баъзан серицит кўшимчалари қайд этилади. Метаморфизм даражаси ортиши билан қайта кристалланади ва микрокварцитларга, кейинчалик кўмирли-кварцли сланецларга айланади. Сланецларнинг структураси гранобластли, КМ кўшимчалари қайд этилади.

Кўмирли-серицит-(дала шпати)-кварцли алевросланецлар майда донадор тоғ жинслари бўлиб, структураси микролепидобластли ва лепидобластли. Асосий масса – майда донадор, қайта кристалланган кварц ва бироз пелитлашган плагиоклаз кўшимчаларидан таркиб топган. Серицит тангачаларин, тарқоқ ва кўп бўлмаган миқдорда хлорит, биотит кўшимчалари қайд этилади. Чақиқ зарралар деярли учрамайди, чунки барча минералар қайта кристаллашувга учраган. Тектураси йўл-йўл бўлиб, соф кварцли ва кўмирли-слюдали қатламчаларнинг кетма-кет ётишидан юзага келади.

Я.Э. Юдович классификациясига мувофиқ Жолдас участкасида тасказган свитаси углеродли тоғ жинслари қора сланецларнинг кам углеродли ва углеродли гуруҳларига киради. Литогенез жараёнларида тоғ жинслари таркибида $C_{\text{орг}}$ нинг миқдори пасаяди ва кам углеродли тоғ жинсларининг катагенез жараёнидан сўнг расман «углеродсиз» гуруҳга мувофиқ келиш ҳолатлари ҳам кузатилишини таъкидланади (Я.Э.Юдович, 1988). Шунга мувофиқ турли ёшга эга тоғ жинсларига $C_{\text{орг}}$ миқдори учун турли тузатувчи коэффициентлар қўлланилади. Н.Б.Вассоевичнинг протеразой даври гилли жинслари таркибидаги $C_{\text{орг}}$ миқдорини ҳисоблаш учун тузатувчи коэффициентини - 0,5 ни қўллаганимизда, тасказган свитаси жинслари юқори углеродли қора сланецлар гуруҳига тўғри келади.

Учинчи боб **«Углеродли тоғ жинсларининг петрокимёвий хусусиятлари ва уларнинг ҳосил бўлиш шароитини минералогик-генетик қайта қуриш»**. Регионал метаморфизм ва айниқса, метасоматоз жараёнларида, ҳатто уларнинг дастлабки босқичларида ҳам чўкинди, вулканоген, вулканоген-терриген тоғ жинслари ўзининг бирламчи муҳим белгиларини аста-секинлик билан йўқотади. Нафақат тоғ жинсларининг минерал таркиби, шунингдек, уларнинг структуравий-текстуравий хусусиятлари ҳам ўзгаради. Яшил сланецли фациядан бошлаб чўкинди тоғ жинсларининг гранулометриқ таркибини аниқлашда қийинчилик юзага келади. Шунинг учун, тоғ жинсларини қайта қуришда геологик ва минералогик усуллар билан бир қаторда, петрокимёвий усуллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунга ўхшаш тадқиқотлар Даугизтау конида кургантау свитаси қора сланецли метасоматитлари (Захаревич, 1987) ва Ғарбий Ўзбекистоннинг метаморфик формациялари бўйича (Рохровин и др., 1988) ўтказилган.


Тоғ жинсларини петрокимёвий асосда тадқиқ қилишда А.Н. Неелов (1980) томонидан ишлаб чиқилган услубдан фойдаланилди. Мазкур методга мувофиқ, силикат таҳлил натижалари атом миқдорларига қайта ҳисобланади. олинган петрокимёвий кўрсаткичлар ($s - \text{SiO}_2/\Sigma$; $b - \text{FeO} + \text{Fe}_2\text{O}_3 + \text{MnO} + \text{MgO} + \text{CaO}$; $m - \text{MgO}/(\text{MgO} + \text{CaO})$; $f - (\text{FeO} + \text{Fe}_2\text{O}_3 + \text{MnO})/b$; $a - \text{Al}_2\text{O}_3/\text{SiO}_2$; $n - \text{K}_2\text{O} + \text{Na}_2\text{O}$; $k - \text{K}_2\text{O}/(\text{K}_2\text{O} + \text{Na}_2\text{O})$; $t - \text{TiO}_2/\text{Al}_2\text{O}_3$) координаталари исталган петрокимёвий кўрсаткич бўлиши мумкин бўлган диаграммаларга ёки петрокимёвий тўрага киритилади.

Ўрганилган свиталар ва Марказий Қизилқумнинг асосий олтин қамровчи қатламлари тоғ жинсларининг петрокимёвий кўрсаткичларини таққослаганда, ўрганилган свиталарнинг ҳеч бири кимёвий таркиби бўйича эталлон объектларнинг (Мурунтоғ, Даугизтоғ) олтин қамровчи жинслари билан мувофиқ келмаслиги қайд этилди.

Гидролизат модули ($\text{ГМ} = (\text{Al}_2\text{O}_3 + \text{TiO}_2 + \text{Fe}_2\text{O}_3 + \text{FeO} + \text{MnO})/\text{SiO}_2$) бўйича барча ўрганилган свиталар силитларнинг турли синфларига мувофиқ келди ($\text{ГМ} < 0,3$). Кокпатас свитаси ГМ модули 0,015 дан 0,125 гача ўзгариб кремний, фтанит, шунингдек, мономиктли кварцли кумтошлар ва кварцитлар учун хусусиятли. Ходжаахмет (0,27), кургантау (0,25) свиталари тоғ жинслари миосилитларга мансуб бўлиб, кремнийли-гилли сланецлар, граувакка ва аркозаларга мос келади. Тасказган свитаси кремний, фтанит, кварцли кумтош, кварцитлар, камроқ кремнийли-гилли сланецлар билан ифодаланади. Кериз свитаси тоғ жинслари гипосилитлар синфига тушиб, мазкур синф гилли-кремнийли сланецлар, олигомиктли кварцли кумтошлар ва алевролитлар учун хусусиятли. Коксой свитаси тоғ жинслари эса эвсилитларга тўғри келиб, мазкур синф кремнийли фтанитлар, шунингдек, мономиктли кварцли кумтошлар ва кварцитлар учун хусусиятли.

Кокпатас ва тасказган свиталари тоғ жинслари турли палеогеодинамик диаграммаларда рифтоген келиб чиқишга эга тоғ жинслари майдонида тушди, кериз свитаси эса кимёвий тақриби бўйича коллизион келиб чиқишга эга тоғ жинсларига мувофиқ келади (1-расм). А.В. Маслов ва Г.А. Мизенснинг палеогеодинамик диаграммасида Букантоғ ва Овминзатоғнинг таркибида углерод бўлган свиталари ўзининг кимёвий таркиби бўйича рифтоген ва аккрецион призманинг фаол-чеккаларда шаклланадиган тоғ жинслари майдонида тўғри келади (1-расмга қ.) ва углерод-маъданли формацияларнинг геодинамик табиати ҳақидаги қарашларга мувофиқ (Ю.С.Савчукнинг «Маъдан ҳосил бўлишининг субдукцион-гидротермал модели»).

$S_{\text{орг}}$ нинг изотоп таркиби чўкинди чўкиш палеошароитига боғлиқ (А.А. Маракушев, 2009). Қирғоқ бўйи худудидан океан худудига қараб органик маҳсулотнинг аста-секин оғирлашиши кузатилади ва $\delta^{13}\text{C} = -30\%$ дан океан худудиларида -20% гача ўзгаради. $\delta^{13}\text{C} = -20\%$ дан катта кўрсаткич абиоген углерод учун хусусиятли бўлиб, метасоматик ва гидротермал жараёнларда ҳосил бўлади (Э.М. Галимов, 1968, Е.С. Ларская ва б., 1988).



1-расм. Букантоғ ва Овминзатоғ таркибида углерод бўлган свиталари шаклланиш шароитларининг геодинамик табиати (литокимёвий диаграммалардан фойдаланган ҳолда): а – А.В.Маслов-Г.А.Мизенс диаграммаси; б – Верм и Армстронг-Алтрин диаграммаси.

Кокпатас свитаси тоғ жинсларида углероднинг изотоп таркиби $\delta^{13}\text{C} = -22,9 \pm 4,14\%$, тасказган свитасида $-25,14\%$ ва кургантау свитасида $-21,94 \pm 7,27\%$ қийматларни кўрсатди (В.И. Силаев, 2015). Мазкур кўрсаткичлар океаник ҳудудлар учун хусусиятли. К.В. Захаревич томонидан (1987) ҳам кургантау свитаси таркибидаги углероднинг изотоп таркиби $\delta^{13}\text{C} -26\%$ -21% га тенглиги аниқланган. Ходжаахмет свитасида бу кўрсаткич $\delta^{13}\text{C} = -28,22\%$ ни ташкил қилиб, денгиз қирғоғи бўйи ҳудудлари учун хусусиятли. Мазкур кўрсаткичлар бирламчи-биоен келиб чиқишга мансуб.

Мазкур тоғ жинсларда В.И. Силаев томонидан $\delta^{13}\text{C}$ нинг -20% ва ундан юқори кўрсаткичлари билан абиоен углерод ҳам қайд этилган. Бундан ташқари, изотоп таҳлил натижалари тоғ жинслар таркибидаги КМнинг азотсизлигини кўрсатди. КМнинг азотсизлиги ҳам уларнинг абиоен-эндоген келиб чиқишини кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ўрганилган қатламлар таркибидаги углероднинг гетероген келиб чиқиши ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Букантоғ ва Овминзатоғ тоғлари углеродли тоғ жинслари таркибида $C_{\text{орг}}$ нинг миқдори 0,11 дан 8,6% гача ўзгариб, углеродсиздан то углеродли қора сланецларга мувофиқ келади. Агар катагенез жараёнида углеродли тоғ жинслар $C_{\text{орг}}$ нинг маълум бир қисмини йўқотиб, маълум бир қисми $C_{\text{графит}}$ га ўтишини ҳисобга олсак, баъзи тоғ жинслари юқори углеродли ($>10\%$) тоғ жинслари гуруҳига тўғри келади. Чунки баъзи тоғ жинслари таркибида $C_{\text{графит}}$ нинг юқори миқдорлари қайд этилади.

Рентген дифрактометрияси ва раман спектроскопияси маълумотлари бўйича (В.И. Силаев ва б., 2015) ўрганилган тоғ жинслари таркибида КМ қуйи, ўрта керит, антроксолитга мос келади. КМнинг термик барқарорлик бош диаграммасида ўрганилган тоғ жинслари нуқталари асфальтит-қуйи керитдан то юқори керит-антроксолитларга жойлашади.

Тўртинчи боб «Букантоғ ва Овминзатоғ тоғлари углеродли қатламларининг геокимёвий хусусиятлари ва олтин ва у билан бирга

келувчи маъданлашувга истиқболи». Таркибида углерод бўлган тоғ жинсларининг турли металллар билан бойиши уларда $C_{орг}$ нинг мавжудлиги билан боғланади. Органик маҳсулотларнинг сорбцион хусусиятлари сабабли, чўкинди ҳосил бўлиш жараёнида бир қатор маъданли элементлар тўпланади (U, V, Mo, Se, Re, Au, Ag, W ва б.). Фақатгина уларнинг миқдори саноат кондицияси даражасига етмайди ва элементларнинг юқори миқдорлари бирламчи бойиған қатламларнинг кейинги эпигенетик жараёнларда ўзгариши, улардаги тарқоқ минераллашувнинг қайта тақсимланиши ва маълум жойда тўпланиши ҳисобига юзага келади (В.Г. Гарьковецннг сингенетик-эпигенетик концепцияси). А.А. Маракушев углерод-маъданли формациялардаги маъданли маҳсулотларнинг манбаи эндоген келиб чиқишга эга деб ҳисоблайди ва буни металл-углеродли метасоматизм билан боғлайди. Демак иккала нуқтаи-назардан ҳам, маъданли элементларни саноат аҳажиятига молик миқдори тоғ жинсларининг метаморфик, метасоматик ўзгариши билан кечади. Шунинг учун маъданли элементларнинг таркибида углерод бўлган тоғ жинсларидаги аномал миқдорларини қайд этиш мақсадида, изланишлар тоғ жинслари кучли метаморфик, метасоматик ўзгарган объектларда олиб борилди.

Асосий ва бирга учровчи маъданлашув спектрал ярим миқдорий, ИСП-масспектрометрик, атом-абсорбцион, кимёвий таҳлил ва бошқа усуллар ёрдамида аниқланди. Ўрганилган свиталарнинг алоҳида участкаларда истиқболлигини аниқлаш учун олинган натижалар элементларнинг ер пўстидаги кларк миқдори ва маҳаллий фон миқдорларига таққосланди. Элементларнинг маҳаллий фон миқдорлари олдин олиб борилган геокимёвий тадқиқот натижаларидан олинди (С.М. Колоскова, 2014). Таркибида углерод бўлган қатламларнинг алоҳида участкаларда олтин ва у билан бирга келувчи маъданлашувга истиқболлини баҳолаш учун, аниқланган геокимёвий хусусиятлар маъданларнинг минерал таркиби ва гипоген маъданлашув кетма-кетлиги билан боғланди. Бу эса нураш кесимини даражасини ва ўз навбатида объектларнинг чуқур горизонтларида олтин маъданлашуви истиқболлини аниқлашга имкон берди. Олтин билан бирга келувчи U-V-Mo-Re маъданлашуви қайд этилган участкалар бир мунча батафсил ўрганилди.

Кокпатас маъдан майдонида маъданларнинг асл олтин маъданли, сурьма-олтинли, сурьма-кумушли ва асл сурьма минерал хиллари ажратилиб, улар сульфидлар таркибида олтиннинг дисперс ва чангсимон кўшимчалари бўлган пирит-арсенопиритли, кварц-пиритли, кварц-кумуш-антимонитли, кварц-антимонитли ва бошқа парагенетик минерал ассоциациялар билан намоён бўлади (С.Я.Клемперт, 1980).

Западный ва Восточный участкаларида олтиннинг теллур, висмут ва кумуш билан кучли ўзаро боғлиқлиги минерал ҳосил бўлишининг кечки олтин-кумушли босқичи тетрадимит-теллуrowисмутитли ва олтин-гесситли парагенетик минерал ассоциациялар (ПМА) мавжудлиги билан изоҳланади. Олтиннинг энг юқори миқдорлари маргимуш, вольфрам, сурьма, висмутнинг миқдори юқори бўлган намуналарда қайд этилади. Яъни, эрта ПМАнинг кечкиси билан тўлдирилиши бой маъданлар юзага келишига сабабчи бўлади.

Маъданлашувнинг геохимёвий зоналиги қуйидаги индикатор элементлар мажмуи билан намоён бўлади: қуйи маъданли (маъдан ости) – вольфрам, кобальт; маъданли – маргимуш, олтин, кумуш; юқори маъдан кесими – мис, рух, сурьма. Au-Sb геохимёвий парагенезис қайд этилган Восточний ва Западний участкаларида юқори маъдан кесими бўлиб, олтин маъданлашуви истиқболлини чуқурликда ҳам башорат қилиш мумкин. Аммо кокпатас свитаси таркибида углерод бўлган тоғ жинслари таркибида бирга учровчи элементларнинг юқори миқдорлари бир мунча кам учрайди.

Айтим кони олтин-кварцли геологик-саноат турига мансуб бўлиб, бурдаланиш ва ўзгариш (кварцлашиш, сульфидлашиш, каолинлашиш) зоналарида жойлашган ва шимоли-шарқий йўналишда тарқалган бир нечта кварц томирлари билан намоён бўлган. Кварц томирларининг кенглиги ҳар хил бўлиб, кенг жойларда 6 м.ча етади. Чўзилиши ҳам турли хил бўлиб 130 м.гача етиши мумкин. Олтиннинг миқдори алоҳида намуналарда 166 г/т гача етиб, маъдан танаси бўйича ўртача 16,8 г/т ни ташкил қилади (Қ. Саид, 2011).

Минералогик-геохимёвий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, олтин маъданлашуви нафақат кварц томирлари билан, балки таркибида углерод бўлган сланецлар билан ҳам боғлиқ экан. Сульфид минераллари учровчи мазкур сланецлар таркибида олтиннинг миқдори 14,6 г/т гача етиб, 49 та таҳлил бўйича ўртача 0,16 г/т ни ташкил қилади. Шунингдек кўмирли-слюдали массада соф туғма олтин кўшимчаси қайд этилди.

Ходжаахмет свитасининг графитлашган тоғ жинслари Айтим конида U, V, Mo, Re, Se, Te каби бир қатор бирга учровчи элементларнинг юқори миқдорлари билан ҳам тавсифланади. Асосий ва бирга келувчи элементларнинг умумий статистик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

Айтим конида юқори миқдорга эга элементлар кларк концентрацияси (КК) миқдори (элементлар ер пўстидаги кларк миқдори нисбатан) қараб учта гуруҳга бўлинди: 1) ўртача бойиган 1,5–10 баробар (КК ўсиш кетма-кетлигида): Tl<Ni<Hf<V<Pb<W<Zn<Cu<Yb; 2) юқори бойиган 10–40 баробар: V<Cd<U<Bi<Au; 3) аномал бойиган 40–1000 баробар: Sb<Ag<As<Mo<Te<Re<Se.

Бирга учровчи элементларнинг миқдори жуда катта ораликда ўзгаришига қарамадан, уларнинг аномал миқдорларининг учраш частотаси анча юқори. Масалан, 41,75% алевросланецлар ва 61,5% метақумтошлар таркибида молибденнинг миқдори $50 \cdot 10^{-3}\%$ ни ташкил қилади. Таркибида углерод бўлган тоғ жинсларидан фарқли ўлароқ кварц томирларининг асосий қисми (51,14%) таркибида молибденнинг миқдори $1-7 \cdot 10^{-3}\%$, фақатгина 14,29% кварц томирларида $>50 \cdot 10^{-3}\%$ ни ташкил қилади.

Кўмирли-дала шпати-кварцли метақумтошлар таркибида ванадийнинг миқдори $>110 \cdot 10^{-3}\%$ бўлган намуналар кўп учрайди (69,2%). Кўмирлашган алевросланецлар таркибида эса ванадийнинг юқори қийматлари ($>110 \cdot 10^{-3}\%$) максимал учраш частотаси (81,25%) қайд этилади. Кварцда ванадийнинг асосий миқдори $20-100 \cdot 10^{-3}\%$ (71,4%) оралиғида.


U-V-Mo-Re маъданлашув кўмирлашган тоғ жинсларида, кварц томирлари ва углеродсиз тоғ жинсларига қараганда жадал ривожланганлиги ўрнатилган.

Айтим кони кўмирлашган тоғ жинсларида кимёвий элементлар миқдорининг (г/т) тарқалишининг умумий статистик кўрсаткичлари (49 та намунанинг ИСП-масспектрометрик таҳлил натижаларига асосан)


Элементлар	Минимал	Максимал	Ўртача	Дисперсия	Ст. оғиш	Вариация	Мода	Медиана	Ер пўстидаги кларк мик.	КК (Сi/Сзк)
V	39	3104	1128	737657	859	131,4	1375	1000	90	12,5
Co	1,52	28	11,71	42,7	6,53	179,2	10	11,6	18	0,7
Ni	20	551,4	136,6	9550	97,72	139,8	160	101,7	58	2,4
Cu	21	751,6	267,5	34692	186	143,6	150	200	47	5,7
Zn	59	1304,9	356,4	66769	258	137,9	200	300	83	4,3
As	10,4	1560,7	156,8	62096	249	62,9	110	89,2	1,7	92,3
Se	3,9	75,2	26,4	335	18,31	144,3	12	21,1	0,05	528,3
Y	2,7	340	39,8	2640	51,38	77,4	14	23,8	29	1,4
Mo	3,9	612,3	181,6	24468	156	116,1	625	70	1,1	165,1
Ag	0,45	57	4,9	65,6	8,10	60,6	7	7	0,07	70,1
Cd	0,28	8,5	2,2	3,8	1,95	113,2	2	2	0,13	17,0
Sn	0,5	5,45	2,6	1,2	1,10	237,0	4,4	2,58	2,5	1,0
Sb	2,5	320	29,7	2115	45,98	64,6	10	10	0,5	59,4
Te	0,06	0,9	0,20	0,0	0,22	88,0	0,17	0,22	0,001	195,0
Ba	70	2050,7	851,1	143078	378	225,0	150	300	650	1,3
∑ТЕЭ	22,99	310,5	137,1	3462	58,84	233,1	147	122	178	0,8
Hf	0,22	5,17	2,40	1,2	1,08	222,6	2	2,27	1	2,4
W	0,95	15	4,17	5,5	2,34	177,9	3,4	3,63	1,3	3,2
Re	0,0017	1,25	0,180	0,1	0,24	75,0	0,2	0,08	0,0007	257,8
Au	0,0130	4,8	0,160	1,0	1,01	15,8	0,15	0,15	0,0043	37,2
Tl	0,2	3,3	1,63	0,4	0,60	272,1	1,48	1,5	1	1,6
Pb	13	119,9	44,96	824	28,71	156,6	30	100	16	2,8
Bi	0,077	0,6	0,30	0,0	0,12	252,2	0,1	0,1		33,1
Th	0,96	14,7	6,6	5,9	2,44	270,2	6,5	6,60	13	0,5
U	3,4	540	67,9	8903	94,36	72,0	51	35,03	2,5	27,2

Ўзаро кучли корреляцион боғлиқликка эга элементлар гуруҳлари ўрнатилган: Au-Ag-As; U-V-Mo-Re КМ билан (2-расм)

Аномал юқори миқдорга эга элементлар гравитацион бойитиш маҳсулотларида тарқалиш хусусияти бўйича икки гуруҳга бўлинди: 1) оғир фракциялар билан боғлиқ элементлар - Au, Se, As, Pb; 2) енгил фракциялар ва шлам билан боғлиқ элементлар. Уларга V, Mo, Re, U тегишли. Мазкур тарқалиш хусусияти U, V, Mo, Ренинг кўмирли маҳсулотлар билан боғлиқлигини тасдиқлайди (3-расм).



2-расм. U-V-Mo-Re нинг графитлашган алевросланецлардаги боғлиқлиги графиги




3-расм. Рений ва селеннинг гравитацион бойитиш маҳсулотларида тарқалиши

